



Элхонлар (Хулагулар) давлати. Худуди – 3.75 млн кв км (1310 й). Пойтахти – Марога, Табриз, Султония, кейинчалик яна Табриз. Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – мўгул ва форс тиллари.

Давлат Мўгуллар империяси парчаланиши жараёнида вужудга келган ҳамда Эрон, Озарбайжонни, ҳозирги Афғонистон ва Туркменистон ҳудудининг катта қисмини, Кавказорти, Ироқи Ажам ва Кичик Осиё (Кизил ирмок дарёсигача)нинг салмоқли қисмини эгаллаган. Хулағуийларнинг вассаллари ва уларга ўлпон тўловчи давлат тузилмалари: Грузия, Трапезунд империяси, Кўня султонлиги, Киликия шохлиги, Кипр киролиги, Хиротдаги куртлар давлати.

Эронда ҳукмронлик қилган элхонлар (1256-1335):

Хулағу (1217 – 8 феврал 1265 йил, Марога, Эрон) – Чингизнинг невараси, Тулуйнинг ўғли, Мункэ ва Хубилайларнинг ога-иниси. Хулағулар давлати асосчиси. Мўгулларнинг Якин Шаркка уюштирган юришини бошқарган. 1256 йили исмоилий-хашшошийлар давлатини, 1258 йили Аббосийлар давлатини тугатган. Хубилай 1261 йили Хулағуни босиб олинган юртлар ҳукмдори деб тан олган ва унга элхон унвонини берган.

Берке билан уруш. 1262 йил Хулағуга қарши амакаваччаси Берке ҳаракат бошлади. Урушнинг сабаби Хулағу буйруғи билан Мустаъсимнинг қатл этилиши эди. Лекин ихтилоф тарихи узокрокка борарди, Жўжи авлодлари Кавказорти ҳудудларига даъво қилишарди. Кавказорти 1250-йилларнинг ўрталаригача Чингиз ноиби Чормаганга тегишли эди, 1243 йилдан эса Кичик Осиё ва Жанубий Озарбайжонда ўз ҳокимиятини ўрнатмокчи бўлган Ботуга қаршилиқ қилган Байжуга тегишли бўлди.

Боту улуг хон Мункэ буйруғига кўра Балакан, Тутар ва Кули бошлиқ уч туманни Хулағуга юборди. Кейинрок бу кўшин Бағдодни олишда иштирок этди, Берке эса бу юришга қарши эди. Хулағу юришда ёрдам берган жўжийларга Жанубий Озарбайжон ва Кавказортини ўлжа сифатида беришдан бош тортгач, амакиваччалар орасида душманлик кучайди. Бунинг устига 1260 йил бошида Балакан қатл этилди, Тутар ва Кули қутилмаганда вафот этди. Беркеда уларни захарланганликлари ҳақида шубҳа бўлди. У ўз кўшинига Дашти

Кипчокка кайтишни, агар бунинг иложи бўлмаса мамлуклар бошқарувидаги Мисрга кайтишни буюрди.

1262 йил августда Дарбанд ва Ширвон оркали келаётган Нўғай бошлик 30 минглик отлик кўшинга қарши Аладагдан хулагулар кўшини йўлга тушди. Ширемун нўён бошлик илгор кўшин икки ойдан сўнг Шемахада Нўғай билан тўқнашиб мағлуб бўлди. Бирок 14 ноябр куни жанг майдонида Атабай нўён бошлик куч келгач Шаберанда жўжийлар мағлуб бўлишди, Нўғай эса қочиб кетди. 8 декабр куни эрталаб хулагуийлар Дарбандга келишди, кун бўйи давом этган жангда ўрдаликлар мағлуб бўлишди ва қалъани ташлаб чекинишди.

Ширемун ва Абатай Хулагунинг ўгли Абага билан бирлашиб Терекдан ўтишди ва Нўғайнинг қароргоҳини ва таъминот захираларини эгаллашди. Берке қарши хужумга ўтди, 1263 йил 13 январда Терек дарёси бўйларида жанг бўлди. Хулагуийлар тор-мор бўлишди, аскарларнинг кўпчилиги музлаган дарёдан ўтаётиб чўкиб кетишди. Хар икки томон жуда катта йўқотишларга учради. Ибн Восилга кўра, Берке шундай деган: “Аллох мўғуллар кўли билан мўғулларни ўлдирган Хулагуни жазоласин. Агар биз бирлашганимизда бутун дунёни олган бўлардик!”

Берке кўшини Дарбандга келиб кўп ўтмай шимолга қайтиб кетди. Бу вақтда Хулагу пойтахти Табризга келиб урушни давом эттиришга тайёрлана бошлади. Бунга кўшимча Табризда савдо фаолияти билан шугулланувчи ўрдалик савдогарлар – “ўрток”ларнинг барчасини қатл этишга ва мол-мулкларини мусодара қилишга буюрди. Бунга Берке давлатига қарашли ҳудудларда савдо қилувчи форс савдогарларини қатл қилиш билан жавоб қайтарди.

Хулагу кўчманчи ҳаёт тарзини саклаб қолса-да, қурилишлар билан шугулланди. Оладогда сарой, Хойяда буддистлар ибодатхонаси, Хабушонда жархона қурдирди. Бинолар орасидаги энг муҳим иншоот бу 1259 йили форс математиги ва астрономи Насириддин Тусий бошчилигида Марогада қурилган расадхона (обсерватория) эди. Расадхона қошида катта қутубхона бўлиб, у ерда нафакат форс ва араб астрономлари, балки ҳинд ва хитойлик математиклар ҳам фаолият кўрсатишган. Хулагу ўз манфаатини кўзлаб саройида математик, химик, тиббиёт билимдонлари ва бошқа олимларга ғамхўрлик қилган. Шу билан бирга у барча элхонлар қаби иримчи ва фолларга ишонувчи эди. Бунинг учун у аррофлар, фолбинлар, астрологлар, барча динларнинг арбобларига ва булардан ташқари жоду ишларидан хабардор кишиларга тез-тез мурожаат қилиб турган. Хулагу астрологлардан ташқари алқимёгарларни ҳам эъзозлаган, алқимёгарлар элхонни металл парчаларини олтинга айлантириб берувчи “фалсафа тоши”ни топиб беришларига ишонтириб тажрибалар учун хазинадан жуда катта маблағ олишга эришишди. Табиийки, улар олтин ясашнинг уддасидан чиқа олишмади.

Алишер Кодировнинг
"Шарқнинг машҳур сулолалари" китобидан